

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 14

15.12. 2022 йил

Бағдод шахарчаси.

Икки томонлама хўжалик муносабатларини ифодаловчи мазкур шартнома низом асосида фаолият юритувчи Ўзбекистон Республикаси конунчилиги ҳамда ўз низомига асосан фаолият юрутувчи Бағдод туман Мактабгача таълим бўлими номидан раҳбар О.Зияева (келгусида «Буюртмачи» деб аталади) биринчи томон ва иккинчи “PREMIUM-CONSTRUCTIONS-GROUP” МЧЖ номидан раҳбар И.Мамажонов (кейинги ўринларда «Пудратчи» деб аталади) ўрталарида куйидаги максадларда тузилиди.

1.ШАРТНОМАНИ МАЗМУНИ:

- 1.1 «Пудратчи» ўз кучи, асбоблари, механизмлари билан «Буюртмачи»га карашли Бағдод тумани Мактабгача таълим булимига карашли 24-ДМТТ биносини жорий таъмирлаш ишларини шартномага илова килинган 10.12.2022 йил кунги № 204027 -сонли экспертиза холосаси ва сметага мувофиқ ДМТТ биносини жорий таъмирлаш ишларини амалдаги техник шартларга риоя килган холда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.
- 1.2 «Пудратчи» тегишли проект-смета хужжатларига мос холда» Буюртмачи» томонидан ДМТТ биносини жорий таъмирлаш ишларини келишилган вактда бажариш ва уни камчиликларсиз тўлик тайёр холда ўз муддатида «Буюртмачи»га топширишни ўз зиммасига олади.
- 1.3 «Пудратчи» иш бажарни вактида ДМТТ биносини жорий таъмирлаш ишлари учун кетадиган курилиш материаллари ва ишчи кучини ўз хисобидан ўзи таъминлайди.
- 1.4 «Пудратчи» ДМТТ биносини жорий таъмирлаш ишларини 30 декабр 2022 йил кунига кадар тамомланни мажбуриятини олади. «Пудратчи» томонидан килинган ишлар якунлангандан кейин Ф-2, Ф-3 далолатномаларини «Буюртмачи» ўзининг мутахассислари билан биргаликда қабул килиб олади.

2.ШАРТНОМАНИ БАХОСИ

- 2.1 Шартноманинг умумий баҳоси **89 500 000 (Саксон туккиз миллион беш юз минг)** сўмни ташкил килади.
- 2.2 Шартнома баҳоси ўз ичига КМИ материаллар баҳоси тафовутини олади.

3.ТУЛОВ ШАРТЛАРИ

- 3.1 Ушбу шартнома бўйича «Буюртмачи» томонидан «Пудратчи» хисоб ракамига олдиндан 30 % аванс тўловини ўтказиб беради.
- 3.2 Тулов шакли «Пудратчи» томонидан Ф-2, Ф-3 хужжатларини тасдиқлангандан сўнг солиштирма далолатномаси ва хисоб фактурага асосан «Буюртмачи» «Пудратчи»нинг хисоб ракамига тўғридан тўғри пул ўтказиб беради.
- 3.3 Шартнома бўйича охирги хисоб-китоб иш тўлик тамомлангандан сунг 5 кунидан кечиктиргай «Буюртмачи» томонидан амалга оширилади.

4.МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

- 4.1 «Пудратчи» ушбу шартноманинг 1-бўлимида назарда тутилган ишларни шартнома имзоланган кундан этиборан 2022 йил 30- декабр кунига кадар бўлган муддатда тўлик бажаради.
- 4.2 Шартнома икки томонлама имзоланиб, Фазначилик (бўлими)да рўйхатдан ўтказилгандан сўнг хар иккиси хам конуний кучга эга.
- 4.3. Ушбу шартнома 2022 йил 31 декабр кунига кадар амал килади.

5.ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

- 5.1 «Пудратчи».
 - 5.1.1 Ўз кучи техника воситаси билан календар иш режасида назарда тутилган барча ишларни тўла хажмда ва муддатда бажариши ва тегишли лойиха хужжатларидаги холатда ишларни «Буюртмачи» га мёёрий хужжатлар талабига ва қоидалари асосида топшириш;
 - 5.1.2 Обектга лойихага биноан бўлган материалларини конструкцияларини бутловчи ашёларни етказиб бериш ва уларни қабул килиш тушириш тахлаш ҳамда саклашни амалга ошириш;
 - 5.1.3 Ушбу шартнома бўйича ишларни бажариш учун жалб қилинадиган маҳсус ташкилотлар билан субподряд шартномани тузгани тўғрисида «Буюртмачи» га ахборот бериш ва у томонидан ишларни бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаш;
 - 5.1.4 Техника хавфсизлиги, ёнгин хавфсизлиги ва обектни қурилиши бўйича зарурий чора-тадбирларни бажарилишини таъминлаш;
 - 5.1.5 Обект сугуртасини амалга ошириш;

5.1.6 Жорий таъмирлаш ишларинида назорат органлари томонидан төкширишда ортиқча килинган харажатлар аникланса бу харажатлар «Пудратчи» томонидан тўланади.

5.2 «Буюртмачи»

5.2.1 Календар иш режаси белгиланган хажмда ва муддатда хажмни топшириш;

5.2.2 У шартноманинг 1-бўлимида назарда тутилган ишлар шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда «Пудратчи»га хак тўлаш;

5.2.3 «Пудратчи» дан ёзма хабарнома олган санадан бошлаб 2 хафта ичидаги объектни кабул килиш мажбуриятларини олади.

6. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. «Пудратчи» томонидан бажарилган ишлар учун тўланиши лозим бўлган тўлов хаки «Буюртмачи» томонидан ўз вактида амалга оширилмаса, Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўгрисида»ги Конунининг 32-моддасига мувофиқ бажарилган ишлар ҳакини ўз вактида тўламаганлик учун буюртмачи пудратчига ўтказиб юборилган хар бир кун учун кечикирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечикирилган тўлов қўйилган 50 фоизидан ошинган миқдорида пеня тўлайди.

6.2. Тарафлар шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддатларини бузганлиги учун айбор тараф бошқа тарафга мажбурият бажарилмаган киёмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

6.3 Тарафлардан бирини ушбу шартнома бўйича бошқа мажбуриятларни бажармаган ёки лойиха даражада бажармаган холларда айбор тараф бошқа тарафга бой берилган фойдани кўшиб курган зарарни коплади.

6.4 Пеня тулаш тарафларни мажбуриятларини бажариш ёки бузилиш хукукий бартараф ётишдан озод етмайди.

7. КОРРУПЦИЯГА КАРШИ ТАЛАБЛАР

7.1. Ушбу шартноманинг хар бир тарафлари бир-бирига нишбатан амалдаги коррупцияга карши кураш талаблари, шу жумладан, бу билан чекланиб колмасдан, барча амалдаги конун ва коидаларга оид шартларни ва талабларни тадбик этилишини ифодалайди ва кафолатлайди.

7.2. «Буюртмачи» «Пудратчи»га мазкур шартнома доирасида куйилагиларни кафолатлайди ва куйидаги мажбуриятларни хам ўз зиммасига олади: Шартноманинг амал килиш муддати давомида у (шунингдек, унинг ходимлари, директорлари, агентлари ва бошқа вакиллари), истеъмолчи манфаатлари учун агент ёки вакил сифатида харакат килиб, «Пудратчи»нинг коррупцияга карши амалдаги талабларига ва Ўзбекистон Республикасининг барча конун ва коидаларига қатъий риоя килади.

8. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ

8.1 Шартнома тузилгандан сўнг бартараф этилиши тоинларнинг тасири ва истакларига боғлик бўлмаган вактинча ёки узок вакт шартномани зарур даражада амалга оширишга халакит берадиган вазиятлар содир бўлганда (яни табиий оғатлар, нокулай об-хаво шароити хукумат тадбирлари хокимият органлари карорлари, харбий низолар ичкий тартибсизликлар) ва бошқа холларла юкорида айтиб ўтилган холатлар мавжудлиги туфайли томонлар тарафиди шартнома мажбуриятлари бузулган деб хисобланмайди ва шартнома мажбуриятларини бажариш муддатлари ушбу холатлар давом этиш вактига суриласди.

8.2 Шартнома мажбуриятларини бажариш имкониятига эга бўлмаган томон дархол иккинчи томонни юкоридаги холатларнинг юзага келганилиги шунингдек бартараф этганлиги тўгрисида хабардор килиши керак.

8.3 Бартараф этилиши мумкин бўлмаган вазиятлар содир бўлгани ёки улар бартараф этилгани хакида ўз вактида (5 кун ичидаги) хабар бермаган томон кейинчалик шартнома шартлари бажарилмаган тақдирда бу вазиятларни сабаб килиб кўрсата олмайди.

9. НИЗОЛАРНИ ХАЛ КИЛИШ ТАРТИБИ

9.1 Тарафлар ўртасида ушбу шартнома бўйича ёки у билан пайдо бўлган барча низолар ёки келишмовчиликлар тарафлар ўртасида музокара йўли билан хал килинади.

9.2 Агар келишмовчиликлар музокара йўли билан хал килиб бўлмаса, улар конун хужжатларида белгиланган тартиба иктиносидий судида кўрилиши лозим булади.

10. ШАРТНОМАГА ҚЎШИМЧА ВА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ТАРТИБИ

- 10.1. Ушбу шартнома хар кандай киритиладиган қўшимча ва ўзгартиришлар ёзма равишда расмийлаштириб хар икала томон имзолаган холлардагина хакикий кучга эга бўлади.
- 10.2. «Буюртмачи» куйидаги холларда шартномани бекор килишга хақли;
- 10.2.1 «Пудратчи»нинг айби билан ишларни боришини сусткашлик билан муддати 10 кунга ошиб кетганда.
- 9.2.2 «Пудратчи»нинг шартнома шартларини бузиш натижасида лойихада кўрсатилга нишларни сифати пасайгандা.
- 10.3. «Пудратчи» куйидаги холларда шартномани бекор килишга хақли;
- 10.3.1 «Буюртмачи» томонидан «Пудратчи» га боғлик бўлмаган сабаблар бўйича жорий таъмирлаш ишларининг боришини 1 ойдан ошадиган муддатга тўхтатиб турганда;
- 10.3.2 «Буюртмачи» томонидан лойиха хужожатларини ўзгартиришлар киритиш билан боғлик холда ишларни баҳоси 50% кунига камайгандা.
- 10.3.3 «Буюртмачи» томонидан кейинчалик курилиш, молиялаш имконияти йўкотилгандা.
- 10.4. «Буюртмачи» «Пудратчи» нинг биргалиқдаги қарори бўйича шартнома бекор килинади. «Буюртмачи» эса «Пудратчи» га улар томонидан аникланган бажарилган ишлар ҳажми кийматини тўлайди.
- 10.5. Шартнома бекор килишга қарор килган тараф бошка тарафга ёзма хабарнома юборилади.


11.БОШКА ШАРТЛАР

- 11.1. «Пудратчи» амалдаги тартиб ва қоидалар бўйича бажарилган ишлар сифатига 1 йил муддатга кафолат беради.
- 11.2. Хар икала томон Ўзбекистон Республикаси конунлари доирасида фаолият кўрсатадилар.

12. ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА ТЎЛОВ РЕКВИЗИТЛАРИ

БУЮРТМАЧИ: ПУДРАДЧИ:

Буюртмачи: Багдод туман Мактабгача таълим бўлими	«PREMIUM-CONSTRUCTIONS-GROUP» МЧЖ
Манзили: Бағдод шаҳарчаси Оқ олтин кўчаси	Адрес: Бағдод тумани Самарканд қишлоғи
Тел./факс:	Телефон: 90 633 66 77
ШХР: 100022860302097091100251038	Расчет .счет: 20208000200356032001
Бюджетдан маблаг олувчи СТИРи: 305153881	МФО:01087
ОКОНХ: 97600	Банк: Капиталбанк Қўйон филиали
Газначилик номи: Багдод тумани бўйича газначилик булинмаси	ИНН: 302982099
Газна x/b: 23402000300100001010	Код по ОКОНХ: 61110
Банк номи: Марказий банк Тошкент ш. ББХКМ	
МФО: 00014	
Газначилик СТИРи: 201122919	
Рахбар: О.Зияева	И.Мамажонов



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

BZ0454270757

- 1. Loyihaning turi :** Shartnoma
- 2. Loyihaning nomi:** “PREMIUM-CONSTRUCTIONS-GROUP” МЧК va Bag‘dod tumani maktabgacha ta’lim bo‘limi o‘rtasida 24 DMTT joriy ta’minlash uchun **Xo‘jalik munosabatlari**
- 3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot:** Bag‘dod tumani maktabgacha ta’lim bo‘limi tomonidan 14.12.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Bag‘dod tumani
yuridik markazi
bosh yuristkonsulti:



S.S.Xamidov

14.12.2022